

Қуръони Карим қандай китоб?



Қуръони Карим – Бутун оламлар Раббиси ва Яратувчиси бўлган Зотнинг каломидир. У инсонларни бу дунёга келишидан бўлган мақсадни баён қилиш, дунё ҳамда охираат бахтига йўллаш ва ўлгандан кейин абадий бахтсизликдан халос қилиш учун туширилган. У ўзидан олдинги китобларни тасдиқлаб ва улардаги ҳукмларни насх қилувчи бўлиб нозил қилинган илоҳий китобларнинг сўнггисидир.

Қуръони Карим абадий оят ва мўъжизадир. У Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақиқий пайгамбар эканлигига далилдир. Аллоҳ таоло инсон ва жинларни шу каби китоб ёки ҳеч бўлмаса битта сурасида сура олиб келишларига чақирди, лекин улар у сингари бирорта сура олиб келишдан ожиз қолдилар.

Уни бузишга ва ўзгартиришга бир минг тўрт юз йилдан бери ҳеч кимнинг қучи етмади. У қандай нозил бўлса, шундай араб тилида абадий қолажақ. Чунки Аллоҳ Қуръони Каримни қиёматга қадар асл ҳолида қолишини Ўз қафиллигига олгандир.

Қуръони Карим – ислом динининг асосий ўзаги ва инсон ҳаётини ҳар бир замон ва маконда тартибга соладиган, бошқарадиган дастурдир. У инсонни ягона яратувчиси бўлган Аллоҳга ибодат қилишга чақиради. Яратувчиси ва динини таниш учун инсон нимага муҳтож бўлса, шуни баён қилади. Бўлиб ўтган ва бўлажақ ғайб ишларни, пайгамбарлар қиссаларини, қандай қилиб уларнинг душманларини Аллоҳ ҳалок қилганини ҳамда мўъминларга қандай нусрат бергани ҳақида хабар беради. Унда ибодатларнинг, муомалаларнинг усуллари, чиройли хулқларга тарғиб ва ёмон одатлардан огоҳлантириш бор. Шу билан бирга унда инсонларнинг борар жойи, агар мўмин бўлса, жаннатга, кофир ва мушрик бўлса, дўзахга боришининг баёни ҳам мавжуд.

Ҳурматли, ўқувчи! Аллоҳ таоло араб тилида нозил қилган ва уни инсониятга етказишни буюрган бу буюк китоб муҳимлиги туфайли унинг маъноларини ўз тилингиздаги таржимасини тақдим этишдан бағоят мамнунмиз. Аллоҳнинг оятлари сизга ҳам етиши ва уни осон тушунишингиз учун бир қанча гуруҳларимиз унинг маъноларини таржима қилишга бор қучларини сарфладилар. Лекин шунга қарамай, биз қанчалик яхши таржима қилишга ҳаракат қилмайлик, бу улуг китобнинг маъноларини тўлиғича мўъжизавий равишда сизга етказа олмаслигимизни аниқ биламиз. Шунинг учун Қуръони Каримнинг ҳақиқатини билмоқчи ва унинг нақадар мўъжизакор эканини ҳис этмоқчи бўлган одамга араб тилини ўрганишни тавсия қиламиз.

Ва сўзимиз сўнггида пайгамбарларга салом ва салавоتلар ҳамда оламлар Раббисига ҳамд айтамыз.

Қуръони Карим энциклопедияси

Саҳифамизнинг ҳар бир оят олдидаги мулоҳазалар тугмачаси орқали таржимани ривожлантириш учун юборилган мулоҳаза ва тақлифларингиз бизни мамнун қилади

www.quranenc.com

Агар биз билан боғланмоқчи бўлсангиз қуйидаги электрон почтага ёзинг:

info@quranenc.com



موسوعة القرآن الكريم
QuranEnc.com

www.islamHouse.com